



Шахарнинг дилрабо, чиройлик богларига кирап эдим.

Кирап эдим мен бир вактлар шахарнинг дилрабо богларига.

Калта, ихчам пичимлик кийимлар кийган озода йигитлар, келишган, кўклам туслиқ ва торткич ранглик кўйлак кийган кизлар...

Келишган кизлар, озода йигитлар у ёқдан-бу ёкга аста-аста босишиб ўталар, ўталар эди кўлтиклиши...

Ихчам кийимлик, катта-катта келишган тугмалик йигитлар ва хирс кўзгаткучи кўйлак кийган кизлар орасида узун чопонлик, ола-була белбоглик якка-якка йигитлар хам учраб колурлар эди...

Учраб колурлар эди шунда узун-узун, ола-була чопонлар...

Бир вактлар бўлдиким, чопонларни ул богларга кўймас бўлдилар.

Бир вактлар бўлди ким, шахарнинг дилрабо бокчаси ола-була чопонни кўрушдан маҳрум колди...

Чопонни, чопонликларни курсиларга ўлтургумай, богларга киргузмай кўйдилар...

Чопонни шахарнинг дилрабо богидан хайдадилар,

кувдилар...

Чопонни маҳкамаларга, «олий остона»ларга киргизмадилар, кўймадилар...

Сиз бизнинг пойтактимизга боринг. Таассуб хазинаси деб айлангон соддадиллардан бошкада чопон колмади...

Колмади чопон озода замона йигитларимизда... Катор тугмалар, ихчам беллар, чаккон, калта кийимлар бечора чопонни «енгиб» келадар... Хай-хай!

Эй, беш йиллик кўз ёшлари билан чўмулгон Фар-гона!

Эй, Туркистоннинг жаннат бурчаги бўлгон содда водий!

Сенинг богларингда чопоннинг катта хурмати бор.

Чопондан кочкон йигитларни сен юмшок, эркалагучи багрингга кабул килмадинг.

Соф, бой, кўм-кўк багрингда чопонга иссик жой бердинг.

Маҳкамаларингда чопон ёт эмас.

Ихчам тугмалар чопонга хўмраймайлар...

Курултойларда бўлдим: кишлок дехконлари эски чопонларини ташламагонлар. Сенинг багрингга хаёт истаб келганларга калин чопон кийуб юруб туйгазгучи озик, тот бергучи мева-чева тайёрлайтургон чорикор хали хам чопон орасида...

Чопон орасидадур кишлок дехконлари...

Чопон биландур кишлок соддадиллари...

Кишлоки дехкон устиладур аларнинг хаёт бергучи тупрокларини ўпган чопонлар...

Хали чопон сенда ташланмагон.

Хатто бир вактлар чопонни ташлаб юборгон «мамадана» ўгиллар хам яна кайтиб чопон олгонлар... Чопон «ватандошлиқ» козонгон!

Дилрабо богчаларга кирдим мен.

Юкори осмонларда юрдим мен...

Ола-була чопонлар, узун-узун белбоглар...

У билан багчалар хам булганимагон, остоналар хам кир бўлмагон, маданият хам кочиб кетмагон.

Чопон, элдан кувланмокчи бўлгон мазлум, бечора чопон!

Паранжини хам торт ёнингга, паранжини хам!..